

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У Қ М

_____ йил _____ ойининг _____, жиноят ишлари бўйича _____ вилояти _____ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман суди раиси _____ раислигида, судья ёрдамчиси _____ котиблигида, _____ туман прокурорининг катта ёрдамчиси _____, судланувчи _____ ва унинг ҳимоячиси- _____ туманидаги “_____” адвокатлик бюроси адвокати _____, жабрланувчи _____ иштирокида _____-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

_____ йил _____ туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, жиноят ишлари _____ туман судининг 20.04.2010 йилдаги ажримига кўра, унга нисбатан ЖК 277-моддасининг 1-қисми билан айбланиш ҳақидаги жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилиб, ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишламайди, илгари Бекобод тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида ижрочи директор бўлиб ишлаган, _____, _____ яшайди, 2021 йил 16 июнь куни муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 15 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишдаги далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни

Аниқлади:

_____, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш



жиноятини қасддан содир қилган.

Жумладан, у нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланувчи [REDACTED] туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида ижрочи директор бўлиб ишлаб келиб, жинойий йўл билан шахсий бойлик орттириш ниятида, ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритишни ўзига мақсад қилиб, 2021 йил 15 июнь куни соат 14:00 ларда хизмат хонасида [REDACTED] уманидаги “ [REDACTED] раҳбари [REDACTED] унинг устидан шикоят аризаси билан мурожаат қилган фуқаро [REDACTED] аризасини “Фуқароларнинг ёзма мурожаатларини қайд этиш ҳамда кириш хужжатларини рўйхатга олиш” дафтарида рўйхатдан ўтказмасдан туриб, аризани ижобий томонга ҳал қилиб беришини ваъда қилиб, ундан 2.600.000 сўм пулни олган вақтида [REDACTED] тумани бўлими, [REDACTED] ва туман ИИБ ходимлари томонидан ушланган ва тадбир учун ажратилган 2.600.000 сўм пуллар ҳолислар иштирокида процессуал тартибда ундан расмийлаштириб олинган.

Судланувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у 2021 йил 1 апрелдан 18 июнга қадар [REDACTED] тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида ижрочи директор бўлиб ишлаганлигини, 2021 йил 11 июнь куни [REDACTED] уман прокуратурасидан фуқаро [REDACTED] аризаси жамият томонидан кўриб чиқишлик учун юборилганини, жамияти раиси [REDACTED] томонидан бу фуқаронинг аризаси унга кўриб чиқиш учун йўналтирилганини, ариза билан танишиб чиққан вақтида фуқаро [REDACTED] қарашли дорихонадан сотиб олган дори билан дорилаганидан сўнг унинг жўжалари нобуд бўлганлигини кўрсатиб, ушбу ҳолат юзасидан чора кўришни сўраганлигини, шу сабабли [REDACTED] МЧЖ раҳбари [REDACTED], [REDACTED] уни олдига келиб, ҳақиқатдан ҳам [REDACTED] дори воситасини сотганлигини, лекин у [REDACTED] доридан белгиланган тартибда фойдаланмаганлигини билдириб тушунтириш хати ёзиб берганлигини, унга [REDACTED] етказилган моддий зарарни қоплаш кераклигини, бундан ташқари улар томонидан ариза кўриб чиқилганидан сўнг тўлов бўлишини тушунтирганида, у қанча бериш кераклигини сўраганини, у унга 2.000.000 сўм пулни аризага тўлаши кераклигини, [REDACTED] туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига 600.000 сўм атропофида тўловлар бўлиши мумкинлигини тушунтирганини, [REDACTED] унга “пулни олиб келиб топширсам бўладими” деб сўраганини, у унга шундай қилса ҳам бўлишини айтганини, [REDACTED] унга пулни олиб келиб беришини айтиб чиқиб кетганини, 2021 йил 15 июнь куни соат 14:00 ларда [REDACTED] кўнғироқ қилиб келишини айтганида, у 10-15 дақиқада боришини айтиб телефонини ўчирганлигини, орадан 10 дақиқадан сўнг у хизмат хонасига келиб, унга 2.600.000 сўм пул топширганлигини, у бу пулни олиб хизмат хонасидаги стол жавонига солиб



қўйганлигини, у билан хайрлашганлигини, шундан сўнг уни хизмат хонасига унга нотаниш бўлган 5-6 киши кириб келиб, ўзларини [REDACTED] туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари деб таништириб, ўзларига тегишли бўлган хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, текширишларини ва ундан ўзини таништиришни, бўлган ҳолатни тушунтириб беришини сўраганликларини, у ходимларига бўлиб ўтган ҳолатни айтиб ўзини таништирганидан сўнг улар ундан “ [REDACTED] раҳбари [REDACTED] олган пулни ўз ихтиёри билан тақдим қилишини сўрашганини, у [REDACTED] олинган пулни ўз ихтиёри билан тақдим қилганлигини, ходимлар холислар иштирокида тегишли мутахассис ёрдамида видео тасвир билан уни қўлларидан суртмалар олишганлигини ва ўзлари томонидан амалга оширилиши керак бўлган ишларни бажаришганини, уни ўзлари билан Бекобод туман прокуратурасига олиб боришганини, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганини, у тузилган ҳужжатларга ўз ихтиёри билан имзо қўйиб берганлигини, туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари [REDACTED] истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Уставига мувофиқ фаолият олиб бориши, туман бўлимини жамият [REDACTED] бошқариши, жамият ижро этувчи аппарати ходимларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш ишлари жамият Раиси томонидан амалга оширилиши, ижрочи директор сифатида бундай ваколатларга эга эмаслигини, унинг вазифаси жамият Раисининг буйруқ ва фармойишларини бажариш ва ижросини таъминлашдан иборат бўлганлигини, ҳозирда қилган ишдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қарамоғида қари онаси, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини айтиб, унга нисбатан жазо тайинлашда енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи [REDACTED] судда, у 2021 йил 3 июнь куни Зафар шаҳарчасида жойлашган ветеринария дорихонасида сотувчиси Юсупжон савдо қилиб турган вақтида, харидор [REDACTED] келиб жўжаларни чўмилтириши учун 5 фоизли “Суминак” дори воситасини сотиб олганини, шу куни соат 13:00 ларда сотувчиси телефон қилиб, уни [REDACTED] сўраётганлигини, унинг жўжалари ўлиб қолганлигини айтганлигини, у дарҳол унинг ёнига келиб у билан гаплашган вақтида [REDACTED] н олиб келган 26 дона жўжалари ўлиб қолганлигини айтганини, унинг уйига бориб қолган жўжаларини кўрганида, [REDACTED] жўжаларини куннинг иссиқ жойига қўйиб қуритаётган бўлганини, у [REDACTED] унга уни устидан тегишли жойларга ёзиб беришини маълум қилганлигини, орадан вақт ўтиб унга [REDACTED] тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижрочи директори деб танитган [REDACTED] о исмли йигит телефон қилиб чақирганлигини, 2021 йил 15 июнь куни унинг ёнига борганлигини, [REDACTED] унга уни устидан жўжалари ўлиб қолган йигит [REDACTED] ариза ёзиб келганлигини, аризага биноан унинг



фаолиятини текшириб унга 225.000.000 сўм жарима қўлаб беришини ва жўжалари ўлиб қолган йигитнинг ҳам моддий зарарини қоплаб беришини айтганлигини, у [REDACTED] бу ишларни тинчитишни қандай йўли борлигини сўраган вақтида, [REDACTED] унга 2.000.000 сўм пулни жўжани эгасига қолган 600.000 сўм пулни ўзига керак деб айтганлигини, шундан сўнг [REDACTED] хонасидан чиқиб унинг ҳаракатларидан уни жаҳли чиқиб кетганлигини, у туман прокуратурасига бориб [REDACTED] ҳаракатларига қонуний баҳо беришларини сўраб ариза билан мурожаат қилганлигини, туман прокуратураси ходимлари уни аризасини текшириб кўриш мақсадида унга 2 нафар холислар иштирокида тегишли мутахассис ёрдамида видео тасвир билан [REDACTED] туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходими [REDACTED] сўралган 2.600.000 минг сўм (50.000 сўмлик купюрадаги) пулга тегишли ишлов беришиб, унга олиб бориб бериш учун унга тақдим қилишганлигини, шундан сўнг у шимини чап чўнтагига бу пулни солиб, [REDACTED] хонасига бориб унга ўзаро келишилган жами 2.600.000 сўм пулни чўнтагидан чиқариб унга берганлигини, [REDACTED] ундан олган пулни ўзи ўтирган стол жавонига солиб қўйганлигини, [REDACTED] ундан пулни аризага беришини айтиб тилхат ёздириб олганлигини, у билан хайрлашиб хонадан чиқиб ходимларга олдиндан келишилган ишорани бериб чиқиб кетганлигини, ходимлар уни туман прокуратурасига таклиф қилишганлигини ҳамда бўлиб ўтган ҳолатлар юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришганлигини, у тузилган ҳужжатларга ўз ихтиёри билан имзо қўйиб берганлигини айтиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, у 2021 йил 3 июнь куни Бекобод тумани,

[REDACTED] юрган жўжаларини чўмилтириш учун дори воситаси сотиб олганлигини, унга дорихона сотувчиси жўжаларни бемалол чўмилтирса бўлади деб айтганлигини, у уйга бориб жўжаларини чўмилтириб қўйганлигини, орадан 2-3 соат ўтганидан сўнг 26 дона жўжалари ўлиб қолганлигини, у ветеринария дорихонасига келиб дорихона мудирини чақиртириб уларга бўлган ҳолатни айтиб, ўз кўзлари билан кўриш учун уйига олиб бориб ўлик ҳолатдаги 26 дона жўжаларини уларга кўрсатганлигини, дорихона раҳбари унга жўжаларни иссиқда чўмилтирганини айтиб, айбни бўйнига қўймоқчи бўлганлигини, у унга бўлган ҳолатни айтиб жўжаларини ўрнига бошқа жўжа олиб келиб беришини сўраганлигини, дорихона раҳбари [REDACTED] унга жўжаларни олиб келиб бермаслигини, қўлидан келган ишни қилишини айтганлигини, у туман прокурорига бориб бўлган ҳолатни тушунтирганлигини, прокуратура ходими унга туман ҳокимлиги биносида жойлашган Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига юборишини айтиб ундан ариза олишганини, уни аризаси Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига тушганидан сўнг [REDACTED] чақиртириб ҳолатни тушунтиришини айтганини, у унга бўлган ҳолатни айтганини, у унга [REDACTED] раҳбари устидан ариза



ёзиб беришини айтганини, у ариза ёзиб берганини, [REDACTED] у жўжаларни пули керак эмаслигини, ўрнига бошқа жўжа олиб келиб берса даъвоси йўқлигини айтганини, ҳозирги кунга қадар 1.000.000 сўм пулни сарфлаганлигини айтганлигини, [REDACTED] МЧЖ раҳбарини “эзиб соғиб дабдала” қилиб ташлайман деганини, унинг гапларини эшитиб бундай иш қилмаслигини, у Зафарда яшашини, одамлар орасида гап бўлиб кетишини айтганлигини, 2021 йил 18 июнь куни Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига борганида у ерда ишловчилардан [REDACTED] пора билан ушланганини эшитганлигини баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, у [REDACTED] шаҳар Истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси лавозимида ишлашини, [REDACTED] 10-15 йилдан буён танишини, у 2021 йил 15 июнь куни соат 18:00 ларда [REDACTED] шаҳрида иш юзасидан юрган вақтида унга собиқ [REDACTED] ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси бўлиб ишлаган [REDACTED] ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари 2.600.000 сўм пулни олган вақтида қўлга олиб туман прокуратурасига олиб кетишганлигини айтганлигини, у [REDACTED] вилоятдаги раҳбарларга ахборот берган ёки бермаганлигини сўраган вақтида, у унга вилоят бошлиғига ҳолат юзасидан ахборот берганлигини айтганлигини, у 2021 йил 18 июнь куни туман ИИБ ходимлари билан биргаликда [REDACTED] хизмат хонасига бориб кўздан кечириш тергов ҳаракатида қатнашганлигини, у ерда ишга алоқадор ҳеч қандай нарса ва буюмлар топилмаганлигини, туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Уставига мувофиқ фаолият олиб бориши, туман бўлимини жамият Раиси бошқариши, жамият ижро этувчи аппарати ходимларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш ишларини жамият Раиси амалга ошириши, ижрочи директорга бундай ваколатлар берилмаганлиги, у фақат жамият Раисининг буйруқ ва фармойишларини ижро қилишини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига аъзолик бадали учун тўлов бир йилга 71.740 сўм, бир ойга 5978,40 сўм бўлиб, ушбу пул Республика бўйича белгиланган энг кам ойлик иш ҳақини 0,8 фоизини ташкил қилишини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига аъзолик бадали учун тўлов банк орқали амалга оширилишини, пулларни нақд шаклда банкка тўлаб қўяман деб олиб қолиш мумкин эмаслигини, истеъмолчига етказилган моддий ва маънавий зарар унинг сўзидан ҳисоблаб чиқилишини, истеъмолчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш фақат суд орқали амалга оширилишини баён қилди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, у 2021 йил 15 июнь куни соат 14:10 ларда ўз ишлари билан [REDACTED] шаҳарчасида юрган вақтида уни олдига фуқаролик кийимида бўлган шахс келиб ўзини Департаментнинг



■ туман бўлими ходими деб таништириб, хизмат гувоҳномасини кўрсатганлигини, ундан бир ишда холис бўлиб иштирок этиб беришини сўраганлигини, у рози бўлганини, у ерда ундан ташқари яна бир холис иштирок этганини, унга аризачи ■ туман ҳокимлигида ишловчи шахс 2.6000.000 сўм пул талаб қилаётганлигини, ушбу ҳолат бўйича тезкор тадбир ўтказилаётганлигини билдиришганини, шундан сўнг ходимлар аризачига уларни кўз ўнгида ишлов берилган 50.000 сўм купюрадаги пулларни тақдим қилишиб, унга махсус овоз ёзиш мосламасини тақдим қилишганлигини, аризачи туман ҳокимлигига кетганини, улар унинг ортидан бориб туман ҳокимлиги биносида туриб унинг ишорасини кутиб турганлигини, орадан 20 дақиқалар ўтиб аризачи ходимларга хабар берганлигини, улар ҳокимлик биносининг 3 қаватига чиқиб белгиланган хонага киришганини, ходимлар ўзини ■ ■ деб таништирган шахсдан аризачидан олиб қолган пулларни тақдим қилишини сўраганлигини, ■ ўзи ўтирган столни тортмасидан пулларни олиб тақдим қилганлигини, ходимлар уларни кўз олдида туман прокуратурасида тақдим қилган ва ишлов бериб “пора” деб ёзилган пулларни махсус чироқ ёрдамида ёқиб уларга кўрсатиб қабул қилиб олишиб конвертга солиб қўйишганлигини, шундан сўнг уларни туман прокуратурасига олиб бориб ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишганлигини кўрсатди.

Гувоҳ ■ судда гувоҳ ■ каби анологик кўрсатув берди.

Булардан ташқари судланувчи ■ айби жабрланувчининг аризаси ва тушунтириш хати (ишнинг 3-5-варақлари), пул маблағларига кимёвий ишлов бериш ва овоз ёзиш мосламаси билан тақдим этиш ҳақидаги баённома (ишнинг 6, 7- варақлари), воқеа ҳолатини расмийлаштириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома (ишнинг 8-12-варақлари), тушунтириш хатлари (ишнинг 15-20, 24-26-варақлари), нарсани олиш, кўздан кечириш ва томонларга эшиттириш ҳақидаги баённома (ишнинг 27-31-варақлари), ■ аризаси бўйича тўпланган ҳужжатлар (ишнинг 32-36-варақлари), нарсани кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадваллар (ишнинг 54-60-варақлари), ашёвий далиллар (ишнинг 62, 63-варақлари), юзлаштириш баённомалари (ишнинг 72-76, 106-110-варақлари), ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари ва фотожадваллари (93-96-варақлари) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди.

Суд, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадор деб эътироф этди. Шунингдек, суд ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган



шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб ҳисоблади.

Суд, судланувчи [REDACTED] қилмишини жиноят қонунчилиги бўйича ҳуқуқий жиҳатдан малакалаш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг фирибгарлик ҳаракатларини хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш белгисига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” бандида хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 21-бандида, хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этганлик (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «в» банди) учун жавобгарлик мансабдор шахс ўз хизмат мавқеидан фақат алдаш ёки ишончли суиистеъмол қилиш учун фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга оширган ҳоллардагина вужудга келиши тушунтирилган.

Қонун талабига ва мазкур Пленум қарори тушунтиришига кўра, мазкур жиноятнинг субъекти фақат мансабдор шахс бўлиши мумкин.

Судда аниқланган ҳолатларга қараганда, [REDACTED] нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланувчи [REDACTED] д туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида ижрочи директор бўлиб ишлаган бўлиб, ушбу жамият ходимларига ҳокимият ваколатлари берилмаган.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Уставининг 3.8.1. бандида, туман (шаҳар) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ижро этувчи аппарати фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур Устав ва [REDACTED] томонидан тасдиқланадиган Федерациянинг ички тартибий ҳужжатлари билан белгиланиши, 3.8.2. бандида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ижро этувчи аппарати таркибига жамият Раиси, ижрочи директор ва аппарат ходимлари кириши, 3.8.2. бандида, жамият Раиси жамият ижро этувчи аппарати кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиши, режа асосида жамиятнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини бошқариши, жамият ижро этувчи аппарати ходимларини ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳамда меҳнат шартномаларини тузиш ишларини амалга ошириш, ўз ваколати доирасида жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариши кўрсатилган.

Мазкур Устав ва судга тақдим қилинган лавозим йўриқномасига асосан, туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ижрочи директорига ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазибалари юклатилмаган ҳамда унга юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир



этишга ваколат берилмаган. Бундай ваколатлар Устав бўйича жамият ижро этувчи аппаратининг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи жамият Раисига берилган.

Юқоридагиларга асосан, суд [REDACTED] туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятида ижрочи директор бўлиб ишлаган бўлса-да, аммо бу нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланишини, ЖКнинг 8-бўлимида санаб ўтилган мансабдор шахсга тааллуқли ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик ҳамда юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этиш ваколатларига эга эмаслигини ҳисобга олиб, у хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятининг субъекти бўла олмайди деб ҳисоблайди.

Суд, [REDACTED] ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш жинояти сифатида квалификация қилиниши лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сонли “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида, агар шахс ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкани ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 24-бандида, жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги, ЖПКнинг 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилган бўлиши кераклиги, ЖПКнинг 415-моддасига биноан суд айбловни ўзгартиришга ҳақлилиги, бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятни квалификацияловчи белгилари чиқариб ташланиши,

26-бандида, судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмнинг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида



ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарли эканлиги тушунтирилган.

Шу асосга кўра, суд [REDACTED] ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Суд, [REDACTED] айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган зарар бартараф этилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддаси 1-қисмининг “а,б” бандларига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғаразли ниятда жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддаси 1-қисмининг “к” бандига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, инсонпарварлик ва одиллик принципларига таяниб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддаси талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори тушунтиришларига риоя қилиб, унинг жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бирга судланувчининг шахсини, оилавий шароитини, қарамоғида кекса онаси ва икки нафар фарзандлари борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, содир этилган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга модда санкциясида назарда тутилган иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, бу жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, жазони ўташни назорат қилишни [REDACTED] туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳига юклашни, жазо муддатини у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан эътиборан ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим деб топди.

Суд жабрланувчи [REDACTED] етказилган 2.600.000 сўм моддий зарар тўлиқ қопланганлиги қайд қилишни лозим деб ҳисоблади.

Шунингдек суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ашёларнинг тақдири масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211-моддасида белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда тезкор тадбир учун ажратилган 2.500.000 сўм пул дастлабки тергов вақтида ИЖҚК Департаментининг [REDACTED] туман бўлимига қайтариб берилганлигини қайд қилишни, 2 дона [REDACTED] серияли 50.000 сўмлик купюрадаги пулларни ИЖҚК Департаментининг [REDACTED] туман бўлимига, 7 та иш ва қайд қилиш дафтарларни туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига қайтаришни, тадбир давомида ишлатилган тиббиёт қўлқоплари, тоза бинт бўлаги, махсус қалам намунаси,



██████████ кўлидан олинган суртмаларни йўқ қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазони ўташни назорат қилиш ██████████ туман ички ишлар органлари Пробация гуруҳига юклатилсин.

Жазо муддати ██████████ жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан эътиборан ҳисоблансин.

██████████ нисбатан қўлланган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи ██████████ етказилган жами 2.600.000 сўм моддий зарар тўлиқ қопланганлиги қайд қилинсин.

Иш бўйича тезкор тадбир учун ажратилган 2.500.000 сўм пул дастлабки тергов вақтида ██████████ туман бўлимига қайтариб берилганлиги қайд қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ██████████ 000 сўмлик купюрадаги пул ИЖҚК Департаментининг ██████████ туман бўлимига қайтарилсин.

7 та иш ва қайд қилиш дафтарлари ██████████ туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига қайтарилсин.

Тадбир давомида ишлатилган тиббиёт қўлқоплари, тоза бинт бўлаги, махсус қалам намунаси, ██████████ кўлидан олинган суртмалар йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, маҳкум ва жабрланувчи эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан 20 сутка ичида шу туман суди орқали ██████████ вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик этувчи: ██████████

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”.

Суд раиси:

